Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 126 (7266). ● 2 июль, 1980 йил ◆ ЧОРШАНБА Баҳоси 2 тийин.



Коммунистик районидаги «Правда» колхозида ғалла ўрим-йиғими муваффақиятли якунланмоқда. Ҳар гектаридан 15 центнердан буғдой ҳосили олинаётир. Суратда: ғалла ўрим-йиғими пайти.

А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТ—ЖИЗЗАХ—ИВАНОВО

## МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ ИШИНИНГ 1980 ЙИЛ ЯНВАРЬ—МАЙ ОЙЛАРИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

| | Тошкент | Жиззах | Иваново |
|---|---|---|---|
| **САНОАТ** | | | |
| Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида | 104,8 | 107,0 | 101,3 |
| Реализация планининг бажарилиш проценти | 102,1 | 103,3 | 101,4 |
| Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик | 46,7 | 3,5 | 34,8 |
| Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони | 7 | 3 | 45 |
| Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида | 0,2 | 6,3 | 15,4 |
| Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида | 101,7 | 105,1 | 98,8 |
| Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиш проценти | 101,4 | 104,7 | 102,1 |
| Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида | 103,1 | 101,9 | 102,5 |
| Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони | 60 | 9 | 70 |
| Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида | 14,9 | 18,8 | 24,0 |
| Барча турдаги калава ишлаб чиқариш — минг тонна | 6,7 | — | 134,9 |
| Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 88,1 | — | 97,3 |
| Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр | 86,9 | — | 932,7 |
| Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти | 88,4 | — | 98,0 |
| **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | | | |
| Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш планининг бажарилиш проценти, пландан ташқари харид қилингани ҳам ҳисобга киради: | | | |
| Чорва ва парранда | 99 | 84 | 92 |
| Сут | 94 | 79 | 65 |
| Тухум | 102 | 84 | 87 |
| Колхозлар ва совхозларда шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги: | | | |
| Чорва ва парранда асосий турларини тирик вазнда сўйиш учун реализация қилиш — минг тонна | 17,6 | 6,5 | 244,4 |
| 1980 йилнинг беш ойида 1979 йилнинг беш ойидагига нисбатан процент ҳисобида | 114,2 | 106,7 | 125 |
| Соғиб олинган ялпи сут — минг тонна | 64,9 | 13,6 | 119,8 |
| 1980 йилнинг беш ойида 1979 йилнинг беш ойидагига нисбатан процент ҳисобида | 111,6 | 110,5 | 93 |
| Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона | 128,3 | 15,6 | 149,9 |
| 1980 йилнинг беш ойида 1979 йилнинг беш ойидагига нисбатан процент ҳисобида | 108,6 | 119,7 | 108,0 |
| Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм | 1442 | 1065 | 748 |
| 1980 йилнинг беш ойида 1979 йилнинг беш ойидагига нисбатан процент ҳисобида | 106,9 | 103,6 | 93,0 |
| Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори — дона | 77 | 73 | 93 |
| 1980 йилнинг беш ойида 1979 йилнинг беш ойидагига нисбатан процент ҳисобида | 100,0 | 107,4 | 102,0 |
| **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ** | | | |
| Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани (процент ҳисобида): | | | |
| Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши | 91 | 84 | 82 |
| Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши | 95 | 95 | 78 |
| Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш | 86 | 99 | 81 |
| **САВДО** | | | |
| Давлат ва кооператив савдоси товар обороти планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради — жами (процент ҳисобида) | 101,4 | 102,1 | 101,0 |
| Шу жумладан чакана тармоқ товар обороти | 101,3 | 102,1 | 102,0 |
| Умумий овқатланиш товар обороти | 101,9 | 102,0 | 99,0 |
| **АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ** | | | |
| Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши — жами (процент ҳисобида) | 100,4 | 100,7 | 100,3 |

## ЧОРВАДОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Калинин районидаги Охунбобоев номли қўйчилик совхози меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Чорва туёғини кўпайтириш. гўшт, жун етиштириш ва давлатга сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик плани тўрт йилда бажарилди. Совхоз 1980 йилда ҳар юз совлиқдан 116 тадан, пландагидан ташқари 4100 бош қўзи олди. 1976—1980 йилларда пландагидан ташқари 15,1 минг бош қўзи олинди, 525 тонна гўшт ва тонналаб жун етиштирилди.

Совхоз чўпонлари давлатга гўшт сотиш бўйича беш йилликнинг сўнгги йили планини ортиғи билан адо этдилар. Пландаги 507 тонна ўрнига давлатга 525 тонна гўшт топширилди. Давлатга топширилган ҳар бир қўйнинг ўртача тирик вазни 57 килограммни ташкил этди.

Бундан ташқари давлатга пландагига қўшимча 600 тонна дон топширилди.

Ем-хашак тайёрлаш йиллик плани ортиғи билан бажарилди. Ҳозиргача пландаги 4300 тонна ўрнига 702 тонна хашак тайёрланди.

Совхоз чорвадорлари партия XXVI съезди шарафига зиммаларига оширилган мажбурият олишди. Улар давлатга қўшимча 125 тонна гўшт, 25 тонна жун сотиш, икки йиллик план миқдорида хашак тайёрлашга аҳд қилдилар.

## ҲАР ТУП ҒЎЗАНИ АВАЙЛАБ...

Бригадамиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда улар зўр иштиёқ билан КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. Натижада асосий майдонлардаги ғўзалар бугунги кунда бир текис гуллай бошлади.

Деҳқончиликда ҳар томонлама қулай келган йилни ҳеч ким эсламаса керак. Шу йил 13 июнь куни қаттиқ шамол бўлиб ёққан дўл бригадамизнинг бир қанча майдонидаги ғўзаларини шикастлантирди.

Лекин бригадамиз аъзолари табиий офат қаршисида қўл қовуштириб турмадилар. Кўрилган зарар ўрнини коплаш тадбирларини белгилаб, бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб, ҳар туп ғўзанинг соғлом ривожланиши учун бор куч-имкониятларни ишга солдилар.

Биз 113 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдамиз. Ҳар гектар майдонда тупроқ шароитига қараб 120—125 минг тупдан кўчат қолдирилди. Бу кўчатларни ҳосил пишиб етилгунча тўла сақлаб қолиш эса кўп жиҳатдан механизатор ва сувчиларга боғлиқ. Ғайратли механизаторларимиз Очил Орзиқулов, Саттор Расулматовлар қатор ораларини сифатли культивация қилиш билан бирга ҳозиргача икки марта озиқлантирдилар.

Ғўзани суғориш муҳим агротехника тадбирларидан биридир. Бу иш ер шароити ҳисобга олинган ҳолда ўтказилса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Сувчилик касбини мукаммал эгаллаб олган миришкорларимиз оз эмас. Ғайбулла Ортиқбоев, Эргаш Аҳмедов, Ҳасан Бозорбоев, Алихон Абдуллаев, Қодирхон Обидов, Камол Ортиқбоев, Абдуфайиз Қурбонов ўртоқлар каби сувчиларимиз ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминламоқдалар.

Дала ишларини намунали олиб бориш учун бригадамизда сифат комиссияси ташкил этганмиз. Бажарилган ҳар бир иш пухта текширилиб, сўнг комиссия томонидан қабул қилиб олинади.

Далаларни бегона ўтдан тозалашда Ҳалима Ортиқбоева, Анор Рисдавлатова, Муборак Ҳикматуллаева, Қўйсин Мухторова, Кумушой Абдуҳакимова, Зарифа Аҳмедова каби фидокор қиз-жувонлар алоҳида ўрнак кўрсатиб, меҳнат қилмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари область пахтакорлар Советининг июнь-июль ойларида ғўза парваришини ташкил этиш юзасидан берган тавсияларига асосан қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш, суғоришни бир-бирига боғлаб ўтказмоқдалар. Шубҳасиз, амалга оширилаётган бу ишлар 1980 йил зиммага олинган юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштириш имконини беради.

Абдували РАСУЛМАТОВ,
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхознинг 3-бригадаси бошлиғи.

# СССР ВА ГФР РАҲБАРЛАРИНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

30 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР Федерал канцлери Гельмут Шмидт ва Федерал канцлернинг ўринбосари, ГФР Федерал ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер ўртасидаги музокаралар бошланди.

Ҳозирги халқаро аҳволнинг энг муҳим масалалари юзасидан, шунингдек СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабат масалалари юзасидан ошкора ва чуқур фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг ялпи тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, кескинликни юмшатишни 80-йилларда ҳам халқаро тараққиётнинг етакчи тенденцияси сифатида сақлаб қолишга қаратилган ташқи сиёсати изчил характерини уқтириб ўтди. У Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда бошланган жараённи муттасил давом эттириш кераклигини, якунловчи актни имзолаган давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида бундан буёнги тадбирларни амалга ошириш лозимлигини айтди. Л. И. Брежнев ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатишга ва қуролсизланишга бағишланган ҳамда Европа қитъасида тинчликни мустаҳкамлашдаги муҳим босқич бўлиб қолиши мумкин бўлган конференцияни чақиришга таалluқли масалаларга тўхталди.

Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокаралари ҳақида гапирганда у Совет Иттифоқининг масалаларни томонлардан биронтасининг хавфсизлигига зарар етказмаслик принципига мос бўлиб тушадиган тарзда бартараф этишга қаттиқ интилаётганини таъкидлади. Совет томони Венадаги музокаралар анча актив ва амалий руҳда ўтиши учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга тайёр эканини изҳор этди.

Ғарбнинг муайян доираларида Афғонистон теварагидаги воқеалар хусусида мавжуд бўлган тасаввур фактларга эмас, балки шу воқеаларга ғаразли муносабат билан қарашга асосланганлигини Л. И. Брежнев таъкидлади. Шундай вазият содир бўлдики, Совет Иттифоқи дўст қўшни мамлакатнинг мустақиллигига хавф туғилган бир пайтда унга ёрдам беришдан бош торта олмади.

Л. И. Брежнев Афғонистон билан алоқадор масалаларни Афғонистон ҳукуматининг тегишли таклифлари асосида сиёсий йўл билан бартараф этиш кераклигини айтди. Бу ўринда назарда тутилаётган масалаларни сиёсий бартараф этиш замирида совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала ҳам ҳал қилинади.

Г. Шмидт ГФР ҳукуматининг халқаро кескинликнинг зўрайишига, унинг янги соҳалар ва районларга ёйилишига йўл қўйилмаслигини истаётганини айтди. У кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттириш ҳам ГФР ҳукуматининг муҳим мақсади бўлиб қолаётганини айтиб, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ҳамкорлик доирасини кенгайтириш мақсадида алоқаларни сақлаб қолиш ва мулоқотни давом эттириш тарафдори эканини билдирди.

Федерал канцлер ГФРнинг қуролсизланиш ишида силжишга эришишга кўмаклашиш ниятини изҳор қилди. ГФР, деди у, СҚЧ-2 шартномасини ратификация қилишдан, шунингдек Вена музокараларининг муваффақиятини таъминлашдан манфаатдордир.

Дунёнинг айрим районларидаги аҳвол муносабати билан томонлар ўз мулоҳазалари ва фикрларини баён этдилар.

Иккала томон турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни давом эттириб, 1970 йилги Москва шартномасига, 1978 йил 6 майдаги қўшма декларацияга, бошқа соҳалардаги иқтисодий битимлар ва аҳдномаларга содиқ бўлиб қолиш ниятида эканини тасдиқлади.

Фикрлашувлар давом эттирилади.

(ТАСС).



Суратда: музокара пайти. С. Гурарий фотоси. («Труд»)

## КРЕМЛДАГИ МУЗОКАРАЛАР

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР Федерал канцлери Г. Шмидт ва Федерал канцлер ўринбосари, ГФР Федерал ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер ўртасидаги музокаралар 1 июль кундузи Кремлда давом эттирилди.

Қуролланиш пойгасини чеклашга доир баъзи бир масалалар кўриб чиқилди. Бунда ўртача олисликдаги ракета ядро қуроли хусусида аҳдлашувга эришиш истиқболларига эътибор берилди.

Шу соҳада вужудга келаётган аҳволга ҳар иккала томон тегишлича баҳо берди. СҚЧ-2 тўғрисидаги Совет-Америка шартномасини ратификация қилишнинг актуал аҳамияти ҳам таъкидлаб ўтилди.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг Европанинг қуролланиш пойгасининг янги хатарли даврасига тортилишига йўл қўймасликдан иборат астойдил иродасини ифода этувчи бир қанча фикр-мулоҳазаларни баён қилди.

Ҳар икки томон масалани тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципига мос келадиган тарзда ҳал этиш йўлини топиш керак, деган фикрни билдирди.

Учрашув ишчанлик вазиятида ўтди.

Музокаралар давом эттирилади.

(ТАСС).

## ГФР ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми билан СССР ҳукумати 30 июнь куни Катта Кремль саройида Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери Гельмут Шмидт шарафига зиёфат бердилар.

Федерал канцлернинг ўринбосари, ГФР ташқи ишлар министри Г.- Д. Геншер, ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.- Г. Вик, бошқа расмий кишилар Федерал канцлер билан бирга бўлдилар.

Совет томонидан Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР Давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

### Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам Федерал канцлер жаноблари!

Муҳтарам Федерал министр жаноблари!

Ўртоқлар!

Канцлер жаноблари, навбатдаги учрашувимизни ўтказиш вақти келган эди. Сиз билан биз муҳокама қилишимиз лозим бўлган масалалар етарлича тўпланиб қолди. Бугун биз шу ишни бошладик.

Сиз билан бизнинг диққат-эътиборимиз халқаро масалаларга кўпроқ даражада қаратилганлиги, эҳтимолки, ҳеч кимни ажаблантирмас, дунёдаги вазият мураккаб. Дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу районидан ташвишли сигналлар эшитилиб турибди. Тўғри, катта можаро хавфини даф қилишнинг иложи топилаяпти, аммо қалтис нуқталар сақланиб турибди, баъзи жойларда ҳатто кўпайиб бормоқда.

Бизнинг ҳамма масалаларга қарашларимиз бир-бирига мос, деб айтсам нотўғри бўлур эди, аммо биз, чамамда, энг муҳим масалада, чунончи: кескинликни юмшатиш сиёсатига зарар етказилишига йўл қўйиб бўлмаслиги масаласида якдилмиз.

Кейинги ўн йил мобайнида можароли вазиятларни бартараф қилиш, низолар ва ихтилофларни юмшатишнинг муҳим тажрибаси тўпланди. «Совуқ уруш» сарқитларини кўп жиҳатдан тугатишга муваффақ бўлинди. Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши бу йўлдаги муҳим босқич бўлди. Ер юзидаги, айниқса Европадаги одамлар эркинроқ нафас олдилар. Улар энди уруш уйларининг остонаси ёнида турмаганини ҳис этдилар.

Аммо шундай бўлса ҳам, ишларнинг шундай боришини ёқтирмайдиган, кескинликни юмшатишни ёқтирмайдиган нуфузли кучлар бор. Улар тангликларни кучайтиришдан, қуролланиш пойгасидан ўзлари учун манфаат оладилар. Аммо катта куч-халқларнинг тинчликка интилиши уларга қарама-қарши бўлиб турибди. Бу интилиш доимий кучдир, шу сабабли ҳеч ким у билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас.

Қуролланиш пойгасига қамчи босиш йўлида тобора янги-янги уринишлар бўлиб турган бир пайтда биз Ғарбга мурожаат этиб, уни бас қилишга, «қўшимча қуролланиш»га доир турли-туман программаларни бир чеккага суриб қўйишга, қуролларнинг янги турлари ва системаларини —ракета, нейтрон, химия қуролли ёки бошқа ҳар қандай қуролларни яратишдан воз кечишга қатъий даъват қиламиз.

Ўртача олисликка учадиган қурол тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилиши зарур бўлган масалалар жумласига киради. Эртага биз бу ҳақда ҳам гаплашиб оламиз. Бизнинг мулоқотимиз самарали бўлади, деб умид изҳор этмоқчиман. Боши берк кўчага кириб қоладиган вазиятлар қасддан вужудга келтирилмаса, реалистик сиёсатда бундай вазиятлар бўлиши мумкин эмас, албатта.

Федерал канцлер жаноблари!

Совет Иттифоқи билан ГФР ўртасидаги муносабатлар кўпданоқ халқаро турмушда катта ўрин олиб келмоқда. Ўтмишда орамизда мавжуд бўлган кескинлик Европадаги вазиятга сезиларли таъсир қилар эди. Аксинча, 10 йил муқаддам Москва шартномаси тузилганида, бу воқеа ҳақли равишда янги тарихий даврнинг—қитъада ҳар томонлама амалий ҳамкорлик даврининг муқаддимаси деб баҳоланди. Назаримда биз ўтган ўн йил мобайнида вақтни зое ўтказмадик, деб айтишга ҳақлимиз.

Ўтган оғир йилларнинг қолдиқлари орасидан бир-биримиз тўғрисидаги янги тасаввурлар ўсиб чиқди. Бу тасаввурлар томонларнинг қонуний манфаатларини ҳамда СССР билан ГФР ўртасидаги яхши муносабатлар — иккала мамлакатнинг халқлари учун, шунингдек умуман Европа халқлари учун ҳам яхши неъмат эканлигидан иборат равшан фактни тушунишга асосланади.

Визит давомида мамлакатларимизнинг экономика ва саноатдаги ҳамкорлиги асосий йўналишларининг узоқ муддатли программаси имзоланиши лозим. Жаҳондаги ҳозирги вазият беқарор бўлиб турган шароитда бу ҳужжатнинг имзоланиши ўзаро хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашга, шунингдек, чамаси, халқаро экономикани стабиллашга ҳам қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Биз Совет-Ғарбий Германия муносабатлари хусусидаги ҳамма жиҳатларни қандайдир идеал тарзда тасаввур этмоқчи эмасмиз. Кейинги вақтларда бу соҳада муайян гидирликлар содир бўлди, аммо бунинг учун биз айбдор эмасмиз. Шу билан бирга бугун сизга айтган гапимни яна такрорламоқчиман. Ижтимоий системалар ҳар хил бўлишига ва турли иттифоқларга мансубликка қарамай, иккала мамлакат ҳаётининг ўзи халқаро ҳамжамият олдига қўяётган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишда табиий шериклар бўлиши мумкин.

70-йилларда кескинликни юмшатиш узоқ ҳаёт кечиришига, халқларнинг тинч келажагини мустаҳкам заминга қўйишга ишончимиз кучайди. Совет халқи ўзининг фикри-зикри ва ишларини шу мақсадга қаратмоқда. Биз Германия Федератив Республикаси билан, шунингдек буни хоҳлайдиган бошқа давлатлар билан ҳам иноқлик ва ҳамкорликнинг шу дамгача синалган йўлларини кенгайтиришга ва янги йўлларини очишга тайёрмиз.

Федерал канцлер жанобларининг соғлиги учун қадаҳ кўтараман!

Федерал ташқи ишлар министри жанобларининг соғлиғи учун!

Европада тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик учун!

* * *

Г. Шмидт жавоб нутқи сўзлади.

* * *

Л. И. Брежнев ва Г. Шмидт нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

